

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ф а р м о н и

Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг ўттиз йиллиги муносабати билан давлат хизматчилари ҳамда ишлаб чиқариш ва ижтимоий-иктисодий соҳалар ходимларидан бир гурухини мукофотлаш тўғрисида

Мамлакатимизнинг иқтисодий қудратини мустаҳкам-лаш, барча соҳаларда ислоҳотларни муваффақиятли амалга ошириш борасидаги кўп йиллик самарали меҳнати, юртимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини таъминлаш, Янги Ўзбекистонни барпо этиш, унинг халқаро майдондаги обрў-эътибори ва нуфузини юксалтиришга қўшган муносиб ҳиссаси, иқтисодиёт тармоқларини замон талаблари асосида модернизация қилиш, илғор инновацион технологияларни жорий этиш, қулай инвестиция мұхитини яратиш, ҳудудлар инфратузилмасини жадал ривожлантиришдаги улкан хизматлари, жамиятда маънавий барқарорликни сақлаш, ёш авлодни она Ватанга мұхаббат, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялаш ишларидағи ибратли фаолияти ҳамда ижтимоий ҳаётдаги фаол иштироки учун қуйидагилар фахрий унвон, орден ва медаллар билан мукофотлансан:

«Содик хизматлари учун» медали билан

Жўраев Расулжон Каримович - Бешариқ тумани ҳокими, Фарғона вилояти.



Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ.

Тошкент шаҳри, 2021 йил 25 август.